

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2018
ОКтябрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.ХОЛМИРЗАЕВ

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари80

С.ЮЛДАШЕВ, Ҳ.АҲМЕДОВА

Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари83

Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ

Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш86

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.ЮЛЧИЕВ

Хронотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида)89

С.ЖУРАЕВА

Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар92

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Алишер Навоий феномени ва жаҳид адабиёти намояндалари98

Р.ДАМИНОВА

Туркий шеърятда ғазал102

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА

Тўсиқсизлик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида106

З.АЛИМОВА

Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган *но-* префиксли сўзлар хусусида109

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ДЖУМАНОВ

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти113

Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА

Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари117

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА

Полифункционал гемосорбент олиш усули121

Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ

Қорхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари123

М.АБДУЛЛАЕВА

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси126

А.КОСИМОВ

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида)129

М.УСМОНОВА

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар131

Р.АБДУЛЛАЕВА

Оламнинг лисоний манзараси133

М.А.НАЗРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА

Ўқиш кўникмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар136

Ш.АБДУЛЛАЕВ

Аҳил қўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида140

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Жаҳонга танилган олим143

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография147

УДК: 811.512.133 373

ТЎСИҚСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ ВА ТИЛ МАЗМУНИЙ СТРУКТУРАСИ ХУСУСИДА

Ш.Искандарова, А.Расулова

Аннотация

Мақолада оламнинг лисоний манзараси, тил кодлари ўртасидаги муносабат, хусусан, тўсиқсизлик категорияси, унинг мазмуний структурадаги ўрни ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы о языковой картине мира, взаимоотношениях между языковыми кодами, в частности, о категории уступительности, о ее месте в структурном содержании.

Annotation

This article deals with linguistic picture of the world, relationship among language codes, particularly, the concessive category and its position in the semantic structure.

Таянч сўз ва иборалар: нутқ акти, сўзловчи шахс, тил кодлари, оламнинг лисоний манзараси, мазмуний инвариант, мазмуний категория, тўсиқсизлик категорияси, мантиқий вазият.

Ключевые слова и выражения: речевой акт, говорящее лицо, языковые коды, языковая картина мира, смысловой инвариант, категория содержательности, категория уступительности, логическая ситуация.

Keywords and expressions: speech act, a speaker, language codes, linguistic picture of the world, semantic invariant, semantic category, concessive category, logical situation.

Маълумки, ҳеч бир тилни “тил эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиш мумкин эмас. Зеро, ҳар бир нутқ актида сўзловчи шахснинг изи сезилиб туради. Нутқий жараёнда коммуникантларнинг тил ҳақидаги билимлари уларнинг бир-бирларини тўғри ва аниқ тушунишлари учун ёрдам беради. Сўзлашувчиларнинг тил билими деганда, нафақат уларнинг тил кодларидан тўғри фойдаланиш кўникмаси, балки тил кодларини борлиқ билан боғлаш кўникмаси ҳам тушунилади. Иккинчи кўникма “оламнинг лисоний манзараси” (ОЛМ) деб номланаётган тушунча билан узвий боғлиқдир. ОЛМ гносеологиянинг таркибий қисми саналиб, инсон миёсида олам узвларининг акс этишини намоён қилади. Бошқача айтганда, олам узвлари инсон онгида ўзаро шартланган ва боғлиқ равишда акс этади ҳамда бу акс этган узвлар муайян бир тилнинг кодлари орқали ифодаланади.

Олам узвлари ўзаро боғлиқ равишда инсон онгида гуруҳ-гуруҳ сифатида акс этар экан, унинг кодлари ҳам ана шундай хусусият касб этади. Кодлар ўртасидаги ана шундай ассоциатив муносабат лингвистик бирликларни маълум мазмуний категорияларга бирлаштиришга асос бўлади. Жумладан, тўсиқсизлик муаммоси анча кенг мазмуний категория сифатида назарий семантика ва типология соҳалари

тадқиқотчиларининг эътиборини ўзига тортиб келади.

Нутқ жараёнида тўсиқсизлик маъноси кўпинча маълум семантик ва синтактик воситалар ёрдамида шаклланади. Бошқа мазмуний системалар – мақсад, сабаб, шарт сингариларга нисбатан тўсиқсизлик мазмуни анча мавҳум характерда, чунки тўсиқсизлик конкрет мазмун ифода этмайди. Шунга кўра, кўпчилик лингвистик адабиётларда тўсиқсизлик мазмуний компонент сифатида белгиланмайди.

Тўсиқсизлик тушунчаси ўзига хос ўрганилиш тарихига эга, XIX асрга қадар тўсиқсизлик риторик фигура сифатида кўрсатиб келинган эди. Д.Дидронинг энциклопедиясида қайд этилишича, тўсиқсизлик тушунчасига риторик фигура тарзида қараш билан боғлиқ фикрлар латин грамматикларининг ишларида учрайди. Д.Дидро энциклопедиясида унга қуйидагича таъриф берилади: “Тўсиқсизлик нутқ фигураси бўлиб, ушбу риторик фигура ёрдамида ўзининг ҳақлигига ишонган оратор маълум устунликка эришади. Бунда у ўзига хос усулдан фойдаланади, яъни оппонентининг қарашларига қисман рози бўлгандай кўриниб, ана шу усул воситасида рақибини тўхтатиб қолиш мумкин бўлган айрим эътирозларнинг олдини олади” [1.86].

XX асрга келиб, тўсиқсизликка нисбатан юқоридаги қарашлар ўзгариб, бу тушунча лингвистик, айтиш мумкинки, мазмуний қарашлар билан

Ш.Искандарова – ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.
А.Расулов – Фарғона вилояти 4-ИДУМИ ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ТИЛШУНОСЛИК

алмашади. 1967 йилда француз грамматикасида тўсиқсизлик тушунчасига нисбатан янги концепция вужудга келиб, уларнинг талқинича, тўсиқсизлик “иккита, меъерий жиҳатдан бир-бирини истисно қилувчи омилларни яқинлаштирувчи оппозиция ёки конфликт” [2] сифатида белгиланган. Кўринадикки, бу хусусда фикр юритилганда, унга зид бўлган қарама-қаршилиқ тушунчаси ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин.

Жаҳон тилшунослигида тўсиқсизлик категориясига нисбатан юқоридаги икки хил қарашнинг таъсири яққол кўзга ташланади. Айрим олимлар тўсиқсизликнинг алоҳида бирликлари билан боғлиқ мазмуний хусусиятларини таҳлил этсалар, баъзи олимлар унга ёндашувда, биринчи навбатда, тўсиқсизлик мазмунининг диалог ва мунозаралар тузишдаги ролини кўрсатиб ўтадилар. Шундай бўлишига қарамай, ҳар икки қарашда ҳам тўсиқсизликнинг маълум маънога ишораси эътироф этилган.

Кейинги йилларда тўсиқсизликнинг муайян мазмуний хусусиятлари борасида турлича фикрлар юзага келди. Бироқ тўсиқсизлик категорияси бирликлари учун ягона бўлган мазмуний инвариант ажратилиши зарур, бу бирликларнинг семантик ифодаси учун ягона метод эътиборга олиниши керак. Умумий инвариант ҳамда мазмуннинг қўшимча узви саналган мазмуний кенгайтирувчилар воситасида асосланади. Бундай воситаларнинг ривожланишига хос бўлган муҳим йўналишларни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Ана шунга кўра, тўсиқсизлик категорияси доирасида инвариантдан бошқа тўсиқсизлик маъносини ҳосил қилувчи маъно компонентларини, яъни мазмуний кенгайтирувчиларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Тил системасида тўсиқсизликнинг инвариантини белгилаш учун тўсиқсизлик бирликларига хос умумий бўлган мазмунни фарқлаш керак. Жумладан, *қарамасдан*, *қарамай*, *гарчи*, *гарчанд*, *ҳар ҳолда*, *барибир*, *-са ҳам*, *-са ҳамки*, *-са-да*, *-гани ҳолда*, *-ганда ҳам* каби ифодалар. Барча тўсиқсизлик бирликларига тегишли маъно ифодаловчи компонентлар тўсиқсизликнинг мазмуний инварианти дейилади. Тўсиқсизлик тушунчаси система ҳосил қилувчи бошқа маънолар орасида ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Функционал-семантик майдонлар асосида турли хил тил воситаларини бирлаштирувчи ва уларнинг ўзаро муносабатларини юзага чиқарувчи мазмуний

инвариант – мазмуний категориялар ётади. Бунда мазмуний умумийлик турли сатҳ бирликлари доирасида кузатилиши билан парадигмалардан фарқ қилади. Тўсиқсизлик бирликларини ҳам турли мазмуний компонентлар бирлаштириб туради, айти шу узвлар тўсиқсизликнинг семантик инвариантини ташкил этади ва шу асосда тўсиқсизлик майдони ҳосил бўлади.

Биламизки, функционал-семантик майдон маълум мазмуний категорияларга таянган, вазибалари умумийлиги билан ўзаро муносабатда бўлган тилнинг турли сатҳларига хос воситалар системаси ҳисобланади.

Функционал-семантик майдонлар мазмун плани муайян грамматик категориялар билан ифодаланувчи, ифода плани эса тилнинг сатҳларига хос бўлган воситаларнинг категориялар кўринишида акс этишидир.

Ўзбек тилида “тўсиқсизлик” архисемаси асосида муайян майдонни бирлаштирган воситалар ҳам тилнинг турли сатҳларида мавжуд. Хусусан, морфемик сатҳда шакл ҳосил қилувчи *-са* шакли билан бирга келувчи *-да*, *ҳам*, шунингдек, *-га қарамай* ифодалари; *гарчанд*, *гарчи* ёрдамчи морфемалари доирасида тўсиқсизлик маънолари шаклланади.

Морфологияда айти шу белги остида умумлашган бирликлар сифатида феълнинг шарт майли шакли эътиборга олинади. “Шарт” архисемаси остида бирлашган *-са* шакли ҳаракатнинг бажарилиш шarti, пайт, истак, сабаб, тўсиқсизлик сингари хусусий белгиларни ифодалайди. Бу белгининг юзага чиқиши нутқ жараёнида амалга ошса-да, *-са* таркибидаги ички имкониятлар синтагматик муносабат учун асос бўлади. Шунингдек, *қарамай*, *қарамасдан* кўмакчилари, *агар*, *башарти*, *мабодо*, *гарчи* шарт боғловчилари шарт ва тўсиқсизлик белгиларини юзага чиқаради.

Синтактик сатҳда тўсиқсизлик категориясининг намоён бўлиши хусусида ўзбек тилшунослигида М.Абдувалиевнинг айрим қарашлари мавжуд [3.62-66]. Бу сатҳда тўсиқсизлик ҳоли позициясида келувчи воситалар маълум ҳаракат ёки ҳолатга боғланиб, тўсиқсизлик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади.

Шунингдек, қўшма гапларда “тўсиқсизлик” семаси билан фарқланувчи турли типдаги қатор бирликлар мавжуд. Улар боғловчисиз қўшма гаплар ҳамда тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар доирасида бўлиб, турли мақсадларни юзага чиқаради. Тўсиқсиз

эргаш гаплар билан бош гапларни ўзаро боғлаш учун турлича шакллар ҳам муайян функция бажаради ва қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўртасида тўсиқсизлик муносабатининг юзага чиқишини таъминлайди.

Тўсиқсизлик муаммоси юзасидан майдонга келган синтаксис, назарий семантика соҳасига оид ишларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ олимлар тўсиқсизликнинг асосий бирликларини сабаб-оқибат семантикаси асосида изоҳловчилар сифатида, иккинчи гуруҳ олимлар тўсиқсизлик категориясини шарт мазмуни асосида изоҳловчилар сифатида фарқланиши мумкин.

Дастлабки гуруҳ олимларнинг ишларида тўсиқсизлик бирликларининг маъноси каузаллик ва инкорнинг ҳосилалари сифатида таҳлил қилинади.

Иккинчи гуруҳ олимларнинг талқинича, тўсиқсизлик муносабатлари шарт муносабатлари билан яқинлаштирилади. Жумладан, В.С.Храковскийнинг таърифига эътибор беринг: “Шарт маъноси билан (мураккаброқ бўлган) тўсиқсизлик маъноси ўртасидаги алоқа аниқ кўринади, дейиш мумкин” [4.71].

Тўсиқсизлик мазмуни сабаб, инкор, шарт мазмуни билан мутаносибликда текширилиши зарур. Масалан, тўсиқсизлик маъноси инкор ва сабабнинг муайян комбинацияси сифатида қаралиши мумкин: *Қайнонадан қаттиқ дашном эшитганидан Нозиманинг кайфияти бузилмади (Т.Малик). - Қайнонадан қаттиқ дашном эшитган бўлса ҳам, Нозиманинг кайфияти бузилмади.* Бир қарашда бу икки гап синонимдек кўринади, яъни иккиси ҳам бир нарса ҳақида хабар беради, аммо биринчи гапда сабаб муносабати (қаттиқ дашном эшитганидан) фақат шу конкрет ҳолат ҳақида

умумий хабар берса, иккинчи тўсиқсизлик боғловчиси иштирок этган гапда хабар билан бирга маъ лум қонуниятга ишора бор, яъни дастлабки вазиятдаги *бўлса ҳам* иштирок этган ифодада одатда кейинги воқеаларнинг боришига маълум таъсир сезилиши керак эди. Кейинги гапнинг мазмунида гўё мантиқий ҳолат бузилган: Нозима қайнонадан қаттиқ дашном эшитгани сабабли унинг кайфияти бузилиши табиий ҳолат эди.

Шундай қилиб, тўсиқсизлик мазмуни сабаб мазмуни билан мутаносибликда фақат инкор муносабати билангина эмас, балки мантиқий вазиятларнинг ўзгаришига нисбатан ишора орқали ҳам ажралиб туради. Маълумки, *бўлса ҳам* ва *бирок* воситалари ўзаро кесишувчи изоҳларга эга, яъни *бўлса ҳам* ҳамда *бирок* қатор контекстларда ўзаро алмаштирилиши мумкин, *бўлса ҳам* ифодаси доимо маълум конверсия билан *бирок* боғловчисига алмаштирилиши мумкин.

Хусусан, тўсиқсизлик ва зидлаш муносабатлари мавжуд гаплар ҳам маълум ахборот узатиш учун хизмат қилади. Бу мазмуний муносабатларни юзага чиқарувчи лингвистик воситаларни ўзаро алмаштириш мумкин, *бирок* бундай алмаштириш бир хил тарзда кечмайди, чунки тўсиқсизлик воситасини зидлаш ифодаловчи воситалар билан доимо алмаштириш мантиқий ифодага таъсир этмайди, аксинча зидлаш воситаларини тўсиқсизлик ифодаловчи воситалар билан доимо алмаштириш мантиқий изчилликнинг бузилишига олиб келади. Зидлаш муносабатининг қамрови тўсиқсизлик муносабатининг доирасига нисбатан кенгроқ.

Бу бирликлар ўртасидаги ички муносабатларни атрофлича таҳлил этиш ўзбек тилшунослигида катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Апресян В.Ю. Уступительность как системообразующий смысл // Вопросы языкознания.- 2006.
2. Падучева Е.В. Динамические модели в семантике лексики. - М., 2004.
3. Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. -1988, 4-сон.
4. Расулова А. Ўзбек тилининг шарт ва тўсиқсизлик майдони // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. -Фарғона, 2018.
5. Храковский В.С. Теоретический анализ условных конструкций (семантика, исчисление, типология) // Типология условных конструкций // Отв. ред. В.С.Храковский. СПб., 1998.